ТУРКИСТОН ЖАМИЯТИДАГИ НАЗАРИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Қ.Ражабов

В статье дан сравнительный анализ социально-политических учений оказавших заметное влияние на общественно-политические взгляды туркестанцев начала XX века.

In this article are given the comparative analysis of the social - political doctrines which have rendered appreciable influence on political sights of Turkistan people at the beginning XX of century.

XX аср бошларида Туркистонда подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсати авж олган эди. Туб халқларнинг талаб ва эҳтиёжлари назарга илмай қўйилди, диний эътиқодлари, урф-одатлари билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимаслик кучайди. Мадрасалар ва мактаблар фаолиятини чеклаш, маҳаллий жой номларини русча атамалар билан алмаштириш, маҳкама жараёнида қозилар бўйнига хоч тақтиришгача борилдики, ерли аҳолини бу хилда таҳқирлаш ҳоллари мустамлакачиларнинг бедодлигини яққол кўрсатар эди. Туркий халқлар турмуш тарзи учун ёт бўлган ичкиликбозлик ва зино айнан Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олингач, кенг тарқалди.

Миллат истиқболини ўйловчи турли тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари - ҳунармандлар, деҳқонлар, савдогарлар, мулкдорлар ва уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб подшо Россиясига қарши курашни халқимизни асрий қолоқликдан уйғотиш - сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Туркий халқлар ўртасида аввал ҳам мавжуд бўлган назарий ғоялар ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон жамияти ва минтақа халқлари тафаккурида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди ва тез орада у ҳукмрон назарий таълимотларга айланди.

Туркпарастлик, туронпарастлик ва исломпарастлик назариялари ана шундай ҳукмрон таълимот сифатида XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб шаклланди ва XX асрнинг бошларида мусулмон оламида етакчи мавқени эгаллади.

XIX асрда Абу Наср ал-Курсавий (1776-1812), Шаҳобиддин Маржоний (1818-1889), Аҳмад Дониш (1827-1897) каби йирик уламолар ва маърифатпарварлар Бухорода ислом динини ислоҳ қилиш фикри билан чиқиб, муайян дастурлар тузишган. Бироқ уларнинг бу фикрлари Бухорода айрим мутаассиб уламоларнинг жиддий қаршилигига учради, ҳатто ал-Курсавий бир оз муддат зиндонда ҳам ўтирди. Афғон маърифатпарвари, диний ва сиёсий арбоб Жамолиддин ал-Афғоний (1839-1897) XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб исломга оид қарашларни яхлит таълимот сифатида шакллантирган. Кейинчалик бу таълимотни ривожлантиришда Муҳаммад Абду (1849-1905), Икром домла (1847-1925), шунингдек, жадид тараққийпарварлари И.Гаспринский, Фитрат,

Беҳбудий, Абдурашид Иброҳимов (1857-1944), Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878-1931) каби сиймоларнинг муайян даражада хизматлари бўлган.

Усмонли турк султонлигида турк тилида нашр қилинган «Ҳикмат», «Сиротил мустақим», «Таърифи муслимин» журналлари, Россияда чоп этилган «Таржимон», «Иршод», «Вақт» газеталари ва «Шўро» журналида исломпарастлик ва озодлик ғоялари бўртиб турган мақолалар эълон қилинган.

Туркпарастлик асосида ўзак масала бўлиб туркий дунё бирлиги ғоялари ётади. Туркпарастлик ва туронпарастлик аслида туркий халқларни юксалтириш ва ривожлантириш ҳақидаги таълимот ҳисобланади. XIX аср охирларидан бошлаб Туркистонда ҳам бу таълимотлар ўзига қулай замин топиб, аста-секин тарқала бошлаган эди. Жадидчилик ҳаракати эса айнан ушбу таълимотлар бағрида етилди ва дунёга келди. Бухоро жадидларининг энг йирик намояндалари (Мулла Жўрабой, Фитрат, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Ҳомидхўжа Меҳрий ва б.) ва Ёш хивaликлардан Бекжон Раҳмонов Истанбулда таҳсил олишган ҳамда Ёш туркларнинг ғояларидан баҳраманд бўлишган. Улар Истанбулда «Бухоро таълими маорифи жамияти»ни ташкил қилишиб, Туркистонда маориф тизимини ривожлантиришда катта ишларни амалга оширишган. Жамиятнинг кўмаги билан Фитрат ва бошқа маърифатпарварларнинг кўплаб асарлари Истанбулда босилиб, Туркистон минтақасига тарқатилди. Бундан ташқари машҳур сайёҳ, табиб ва маърифатпарвар Мирзо Сирожиддин Ҳаким (1878-1914) Теҳрондаги Америка тиббий коллежи ва Швейцариядаги Берн университетида таҳсил олган эди.[1] Истанбулда таълим олган кўплаб бухороликларнинг юртга қайтиши билан маориф ишлари кучайиб кетди. XX аср бошларида бу тараққийпарварлар Туркистон минтақасида жадидчилик билан биргаликда туркпарастлик, туронпарастлик ва исломпарастлик ғояларини муайян даражада тарқатувчиси ва ташвиқотчиси бўлдилар.

«Бухоро таълими маориф жамияти»нинг ҳижрий 1327 (мелодий 1908) йилда Истанбулда қабул қилинган Низоми (Устави)да жамиятнинг асосий сиёсий мақсади Бухоро халқи ўртасида маорифни тарқатиш эканлиги таъкидланган.[2]

Туркистон район муҳофаза бўлими (чор охранкаси) ва Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги ҳужжатларида кўрсатилишича, туркпарастлик ва исломпарастлик ғоялари Туркистон ва Бухоро халқлари ўртасида жуда тез тарқалмоқда ҳамда тараққийпарварлар (жадидлар) ва уламолар ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишмоқда.[3] Ёш бухороликлар бу пайтда Бухорода «Маърифат» кутубхонаси ва «Баракат» ширкатини тузишиб, китоблар нашр қилиш ва хорижда чиқарилган турли адабиётлар, газета ва журналларни Бухорода тарқатиш билан шуғулланганлар. Бу адабиётларда ислоҳот ва озодлик ғоялари ўз аксини топган эди.

1913 йил июл ойининг охирида Мулла Абдулла, Тўрақул, Гулжон каби бухоролик шахслар томонидан Тошкент уламолари: Эшон Ҳазрат, Домулла Абдулмалик, Муҳаммад Сирож Ҳожи, Саид Муҳсинхон ва барча мусулмон мужоҳидларига юборилган мактубда кўрсатилишича, шаъбон ойининг 25-куни (1913 йил 16 июл)да муқаддас зиёратгоҳ - Шофиркон туманидаги Хожа Ориф Моҳитобондаги ғордан (бошқа бир ҳужжатда қудуқдан дейилган) бошсиз чавандоз чиқиб, халқни мустамлакачиларга қарши муқаддас кураш - жиҳодга чорлаган. Унинг орқасидан бошқа ўнлаб яхши қуролланган отлиқлар ҳам пайдо бўлишган. Бу ҳолат 4 марта такрорланган. Бухоролик уламолар ўз мактубларида тошкентлик мужоҳидларни мустамлакачи Россия империясига қарши курашга даъват қилишган.[4]

Фарғона водийсида ҳам жадидларнинг кўплаб ташкилотлари фаолият кўрсатган. Масалан, Андижонда «Тараққийпарварлар» ва «Падаркуш» яширин ташкилотлари (чор Россияси охранкаси ҳужжатларида яширин сиёсий партиялар деб номланган) ҳам фаолият кўрсатган.[5] Бу жиҳатдан олганда Мирза Абдулқодирбек Мирза Аҳмад Қушбегиевнинг «Тараққийпарварлар» жамияти ғоялари очерки» (1916 йил 22 ноябрда ёзилган) деб номланган маълумотномаси диққатга сазовордир. Унда кўрсатилишича, «Тараққийпарварлар» жамиятининг бош ғояси Ёш туркларнинг

[1] Ўзбекистон МДА. И-461-фонд, 1-рўйхат, 195-иш, 76-варақ.

[2] Қаранг: Уставъ Бухарского Благотворительного Общества Распространения Просвещения. // Ўзбекистон МДА. И-461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 84-88-варақлар; И-3-фонд, 1-рўйхат, 356-иш, 8-12, 17-22-варақлар.

[3] Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА. И-461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 18-22-варақлар; 1968-иш, 24-27-варақлар; И-3-фонд, 1-рўйхат, 361-иш, 9-11, 36-37-варақлар.

[4] Ўзбекистон МДА. И-461-фонд, 1-рўйхат, 1312-иш, 160-варақ ва унинг орқаси; 470-варақ ва унинг орқаси.

[5] Ўзбекистон МДА. И-461-фонд, 1-рўйхат, 1968-иш, 3-10-варақлар.

тараққиётига тақлид этишдир. Уларнинг мақсади халққа сиёсий ва ички эркинликлар беришдан иборат. Аҳоли ўртасида улар ўз эътиборини сиёсий ва дин соҳасида ҳаракат қилиш билан амалга оширишни режалаштирганлар[1]. Аслини олганда Қушбегиев Андижондаги тараққийпарварлар сафига суқилиб кирган Туркистон район муҳофаза бўлими (чор охранкаси)нинг махфий агенти бўлган.

Туркистон ўлкаси генерал-губернатори С.М.Духовский «Туркистондаги ислом» (Тошкент, 1899) номли махсус маърузасида Россия империясида яшовчи мусулмонларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кучайганлигини эътироф этиб, маъмурларни панисломизм (аслида, исломпарастлик таълимоти)га қарши курашга чақиради.[2]

Туркпарастлик ва исломпарастлик таълимотлари нафақат Туркия ёхуд бошқа Шарқ мамлакатларида, балки Туркистоннинг ўзида ҳам ўзгаришда ва муайян даражада маҳаллий шароитга мослашишда давом этди. Фитрат, Беҳбудий ва бошқа тараққийпарварлар туркчилик ғоясини туркий халқларнинг ўзаро мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари асос қилиб олинган бир қанча мустақил миллий давлатларни вужудга келтириш йўлидаги умидларини рўёбга чиқарадиган куч деб ҳисобладилар.

Кейинчалик совет тарихчилари даъво қилганига қарамасдан, Туркистондаги туркпарастлик, ҳатто исломпарастлик таълимотларининг тарафдорлари ҳеч қачон Туркия қўл остида умумтурк давлати тузиш учун курашган эмаслар. Балки улар Туркистондаги бутун туркий халқларни бирлаштириш ғояси билан майдонга чиққан эдилар. Уларнинг давлат бошқаруви ҳақидаги қарашлари эса миллий-ҳудудий мухториятдан тортиб, федератив давлат тузишгача бўлган турли шаклларни ўз ичига олган.

Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) даврида Усмонли турк султонлигининг Германия томонидан туриб урушга кириши, Антанта давлатлари, жумладан, Россияга қарши олиб борган муваффақиятли жанг ҳаракатлари туркий халқлар ўртасида кўтаринки бир кайфият туғдирса ҳам, бироқ Россиянинг расмий доираларида туркчилик ва исломчиликка қарши компания кучайишига олиб келди. Чоризм маъмурлари Туркистон ва Кавказдаги миллий озодлик ҳаракатларининг иштирокчиларига «пантуркистлар» тамғасини босиб, бу жараёнда Туркияни айбдор деб топишган.

Фитратнинг «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилған мунозараси» (қисқача «Мунозара») асари 1909 йилда ёзилиб, Истанбулда 1911 йили нашр қилинди. Асар ўзбек ва рус тилларида Тошкентда ҳам чоп қилинди (1911-12). Жадид адабиётининг Туркистондаги дастлабки ёрқин намунаси саналган ва драматик публицистикага мойил «Мунозара» асари замоннинг зайли билан тарихий тараққиётнинг икки поғонасида туриб қолган дин ва дунё, жамият ва маърифат ҳақида икки хил дунёқарашга эга бўлган икки кишининг баҳси асосига қурилган эди. Фитрат ўз китобида хурофот ва бидъатни қоралайди, унга чинакам эътиқодни қарши қўяди. Айнийнинг ёзишича, «Мунозара» давр тараққиётига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатди[3]. Асарда акс этган маърифатпарварлик, исломчилик ва ислоҳотчилик ғоялари бутун совет режими даврида жадид адабиёти, хусусан, Фитрат ижодини қоралаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Фитратнинг 1912 йили Истанбулда нашр қилинган «Ҳинд сайёҳи баёноти» («Баёноти сайёҳи ҳинди») насрий қиссасида Бухоро амирлиги ҳудудудидаги бутун иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг кўплаб муаммолари тилга олинади. Унда мавжуд тузум қаттиқ танқид қилиниб, барча камчиликлар аёвсиз очиб ташланади. Бу муаммоларни вужудга келтирган ижтимоий иллатларни таҳлил этиш баробарида ушбу камчилик ва иллатлардан халос бўлиш йўллари ҳам кўрсатилади. Бу асар ҳам тез орада рус тилида Самарқандда босилди[4].

Фитратнинг 1911 йили Истанбулда нашр қилинган яна бир асари - «Сайҳа» («Наъра») тўпламига кирган ватанпарварлик руҳидаги шеърларида, таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаевнинг ибораси билан айтганда, «Бухоро мустақиллиги ғояси биринчи марта жуда ёрқин

[1] Ўзбекистон МДА. И-461-фонд, 1-рўйхат, 1968-иш, 13-варақ ва унинг орқаси.

[2] Қаранг: Всеподданнейший докладъ Туркестанского генерал-губернатора Генерала отъ Инфантерии Духовского. Исламъ въ Туркестань. Ташкент, 1899 годъ. //Ўзбекистон МДА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 2-11-варақлар.

[3] Бир-бирига таққослаш учун қаранг: Садриддин Айни. Таърихи инқилоби Бухоро. - Душанбе, «Адиб», 1987. - Б. 101-103; Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. //Асарлар. Т.1. - Т., 1963. - Б. 181-349.

[4] Абд-ар-Рауф. Рассказы индийского путешественника. Бухара как она есть. Перевод с персидского А.Н.Кондратева. - Самарканд, изд. Махмуд-ходжи Бекбуди, 1913; Яна қаранг: Фитрат. Ҳинд сайёҳи баёноти. //Танланган асарлар. 1-жилд. - Б. 98-168.

шаклда ифодалаб берилган эди»[1]. Тўпламга кирган шеърлар Россия маъмурлари ва Бухоро амири тақиқлаб қўйганига қарамай, Туркистондан ташқари Қрим ва Қозон турклари, Туркия, Эрон, Германия каби мамлакатларда кенг тарқалди.

Фитратнинг 1914 йили ёзилган «Нажот йўли» («Раҳбари нажот»)[2] асарида ҳам маърифатпарварлик ғоялари билан бир қаторда исломпарастлик ва туркпарастлик ғоялари ўқ илдиз бўлиб ётади. Фитрат миллатни қолоқлик гирдобидан қутқармоқчи бўлиб, замонаси учун асосий эътиқод ҳисобланган ислом динига мурожаат қилади. У Қуръони каримни мусулмонларнинг раҳбар ва раҳнамоси - Нажот дастури (йўли) деб тушунади. Бу муқаддас китоб ва ислом дини ғоялари атрофида миллатни жипслашишга даъват этади. «Нажот йўли» асарида Фитратнинг фалсафий ва ахлоқий қарашлари ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Фитрат 1915 йил нашр қилинган «Мухтасар ислом тарихи»[3] асарида ҳам ислом ғояларини талқинига алоҳида урғу беради.

Бир томондан, жадид адабиётининг гуркируб ривожланиши, иккинчи томондан, туркпарастлик ва исломпарастлик ғояларининг кенг тарқалиши Туркистонда жамоатчилик фикрининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Туркистон ўлкаси халқлари Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши оммавий курашга кўтарилишлари арафасида худди шундай бир ғояга муҳтож эдилар. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида вазият эса анча мураккаб бўлиб, у энг аввало миллий мустақилликка тўла эришиш билан биргаликда ўрта асрларга хос истибдод тузумини Европа давлатларига мос конституцион монархия (кейинчалик демократик республика) билан алмаштиришни кўзда тутарди.

1917 йил бошларида Петроградда юз берган инқилобий ўзгаришлар Туркистонда ҳам сиёсий жараёнларни шиддатли ривожланишига олиб келди. Туркистондаги тараққийпарварлар янгича сиёсий вазиятда ўз кучларини жипслаштириб, сиёсий уюшмалар, ташкилотлар ва партиялар тузишди. «Шўрои Исломия» ва «Шўрои Уламо» ташкилотлари, «Турк адами Марказият (федералистлар) фирқаси», «Турон», «Иттифоқи муслимин», шунингдек, Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар каби сиёсий партиялар фаолияти ҳамда Бутун Туркистон мусулмонларининг I қурултойида ташкил қилинган Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўроси (Краймуссовет) қарорларида туркпарастлик ва қисман исломпарастлик ғоялари асосий мағизни ташкил қилди. Бу ғояларни ҳаётга жорий қилишда Туркистон тараққийпарварлари Мустафо Чўқай (1886-1941), Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970), Усмон Хўжа (1878-1968), Мунаввар Қори, Фитрат, Файзулла Хўжаев (1896-1938), Турор Рисқулов (1894-1938), Мирсаид Султон-Ғалиев (1892-1940) ва бошқалар муҳим роль ўйнашди.

Туркистоннинг буюк эрксевар шоири Чўлпон ўз устози Фитрат анъаналарини назм ва насрда давом эттириб, ўзбек шеъриятини юқори поғонага кўтарди. Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон», «Гўзал Фарғона», «Ёруғ юлдузга», «Халқ», «Бузилган ўлкага», «Балжувон», «Бинафша», «Кўнгил», «Кишан» каби шеърларида Туркистон мустақиллиги ғояси илгари сурилади, юртимизга бостириб кирган қизил армиянинг қабиҳ ишлари фош қилинади, совет режимига қарши курашаётган истиқлолчиларнинг жўмард қиёфалари гавдаланади. Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» (1921) шеъри большевизмга қўйилган адабий айбнома бўлиб жаранглади. Ўзбек шеърияти тарихида мазмун моҳияти, маслак муросасизлиги жиҳатидан унинг «Балжувон» (1922) марсиясига ўхшаш ёки яқин келадиган иккинчи бир шеър ёзилмагандир. Атиги 26 мисрали бир шеър бағрига яшириниган қайғули тарихий маъно, очиқ фарёд ва толесизлик аламини ўнлаб достонлар таркибига ҳам сингдириб бўлмайди. Бу шеър «Анвар Пошонинг жасур сиймосини гавдалантирувчи сўздан яралган шеърий бир ҳайкал» (Иброҳим Ҳаққул)[4] бўлиб қолди. Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага», «Балжувон» ва бошқа шеърлари истиқлолчилар ўртасида жуда машҳур бўлиб кетган. XX аср ўзбек адабиётининг Фитрат ва Чўлпондек икки йирик намояндаси ижодида барқ уриб очилган туркий халқларни бирлаштириш - туркчилик ва турончилик ғоялари орадан кўп ўтмай коммунистик мафкура вакиллари томонидан миллатчилик кўриниши сифатида

[1] Файзулла Хўжаев. Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг чегараланиши тарихига доир //Танланган асарлар. Т.1. - Т.: Фан, 1976. - Б.99.

[2] Фитрат. Нажот йўли (Раҳбари нажот). Таржима ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Г.Музаффарзода. - Т.: «Шарқ», 2001. - 176 б.

[3] Қаранг: Фитрат. Мухтасар ислом тарихи. - Т.: «Нур», 1992. - 32 бет.

[4] Иброҳим Ҳаққул. «Қутулиш юлдузи» йўқликка кирмас... // Бухоро ҳақиқати, 1995 йил 27 декабр.

ноҳақ қораланди. Ҳолбуки, улар ўз миллатларининг тараққиёти учун совет режими ва коммунистик мафкурага қарши қўлда қалам билан курашган эдилар.

Қардош қозоқ халқининг шоири Мағжон Жумабой ҳам «Туркистон» (1922) ва бошқа шеърларида Фитрат ва Чўлпонга эргашиб, ислоҳот ва озодлик ғояларини улкан эҳтирос билан тараннум қилди.

Туркий халқларга мансуб миллий раҳбар ҳодимлар (миллий коммунистлар)нинг кўзга кўринган айрим вакиллари ҳам туркчилик ва озодлик ғояларига бефарқ бўлишмаган. Масалан, 1920 йил бошларида Турор Рисқулов Туркистон АССР ва Туркистон Компартияси ўрнига Турк Республикаси ва Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси (совет тарихий адабиётларида Турк Компартияси) тузилганлигини эълон қилади. Бироқ бу «миллий давлат тузилмалари» орадан кўп ўтмай Турккомиссия томонидан тугатилди[1]. Татаристон АССР раҳбарларидан бири Мирсаид Султон-Ғалиев эса XX аср 20-йиллари ўрталарида совет Ўрта Осиё республикалари ўрнида Турон Республикаси ва Турон ишчи-деҳқон социалистик партияси тузиш ғоясини ўртага ташлаган. Турон Республикасига Туркистон, Бухоро, Хива (Хоразм), Қирғизистон (Қозоғистон)дан ташқари Кошғар, шунингдек, Афғонистон ва Эроннинг туркий халқлар яшайдиган қисми кириши мўлжалланган[2]. Таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев ҳам Турон давлати тузиш фикрида бўлган. Бундан ташқари 1918 йилда «Уламо» жамияти (Тошкент шуъбаси) раҳбарияти ва Туркистон АССРдаги айрим коммунистлар (Шерали Лапин, Ориф Кливлеев ва б.) янги жамиятни «ислом социализми» асосида қурмоқчи бўлишган.[3] Пировардида, Фарғона водийсида совет режимига қарши қуролли ҳаракат раҳбари Шермуҳаммадбек (1893-1970) бошчилигида 1920 йил май ойида тузилган ҳукумат Туркистон - турк мустақил ислом жумҳурияти дейилган.

Шундай қилиб, совет Россияси ва СССР раҳбарияти (В.И.Ленин, И.В.Сталин ва б.) исломпарастлик таълимотига қарши худди туркпарастлик ва туронпарастликка нисбатан бўлганидек қатъий чоралар кўрган. Улар жадидчилик ва “босмачилик” ҳаракатларини бу таълимотларнинг асосий мафкураси ва ҳосиласи, деб ҳисоблашган.

Хулоса қилиб айтганда, айнан туркпарастлик (туркчилик) назарияси ўнлаб йиллар мобайнида чор ва совет Россияси ҳамда уларнинг вориси ҳисобланган СССРнинг империяча муддаоларига қарама-қарши туришнинг ҳал қилувчи омили, Туркистон минтақаси миқёсида шиддат билан кўтарилган жадидчилик, мухториятчилик ва истиқлолчилик ҳаракатларининг ягона бирлаштирувчи кучи бўлиб майдонга чиққан эди. Айнан туркчилик ва исломчилик ғоялари билан тарбияланган туркистонлик ватанпарварлар 1917-1935 йилларда мухториятчилик ва истиқлолчилик (совет даврида «босмачилик» деб тамға босилган миллий кураш) ҳаракатларининг фаол иштирокчилари бўлишди. Бироқ Туркистон мустақиллиги учун курашган жадидлар ва истиқлолчилар, миллий раҳбар ходимлар коммунистлар томонидан «пантуркист» ва «босмачи» сифатида қатағон қилинди.

Фақат СССР империяси парчалангач, 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари президентлари “Туркистон - умумий уйимиз!” шиорини ўртага ташлашди. Давлатларимиз раҳбарларининг бу чақириғи янгича тарихий вазиятда - жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўзаро яқинлашаётган, иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёни кучайган бир пайтда туркпарастлик (туркчилик) ғояларини ўзига хос равишда ривожлантириш бўлди.

ЎзФА Тарих институти,
2009 йил 1 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Шамсуддинов)

[1] Рыскулов Т.Р. Собрание сочинений в трёх томах. Т. 3. - Алматы, «Қазақстан», 1998. - С. 169-170.

[2] Султон-Галиев М. Статьи. Выступления. Документы. - Казань, Татарское книжное издательство, 1992. - С. 358-359, 468-469.

[3] Қаранг: Отъ Ташкентской организации «Улема» русским социалистамъ. // Ўзбекистон МДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 3-10, 24-29-варақлар.